

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НИШАНОВ МАКСУДЖОН ШЕРМАТОВИЧ**

**МИРИЗЗИ СИНДРОМИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ХИРУРГИК  
ТАКТИКАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Нишанов Максуджон Шерматович**

Мириззи синдроми диагностикаси ва хирургик тактикасининг  
хусусиятлари ..... 3

**Нишанов Максуджон Шерматович**

Особенности диагностики и хирургической тактики при синдроме  
Мириззи ..... 21

**Nishanov Maksudjon Shermatovich**

Peculiarities of diagnostics and surgical tactics in Mirizzi syndrome..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НИШАНОВ МАКСУДЖОН ШЕРМАТОВИЧ**

**МИРИЗЗИ СИНДРОМИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ХИРУРГИК  
ТАКТИКАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib318 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.rscs.uz](http://www.rscs.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Назиров Феруз Гафурович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Акилов Хабибулла Атауллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Хакимов Мурод Шавкатович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>«А.В. Вишневский номидаги миллий тиббий тадқиқот хирургия маркази» Федерал Давлат Бюджет Муассасаси (Россия Федерацияси)</b>

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru); Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да таркатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.К. Абралов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра Мириззи синдроми (МС) камдан-кам учрайдиган патология бўлиб, ўт-тош касаллиги (ЎТК) билан касалланган беморлар орасида 0,5 дан 5,7% гачани ташкил этади.<sup>1</sup> Сўнгги йилларда МС сонининг кўпайиши кузатилмоқда ва бу ЎТКнинг кўпайиши, юқори информатив текширув усулларининг пайдо бўлиши, ўт йўллари хирургиясининг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда кечмоқда<sup>2</sup> Муаммонинг долзарблигига қарамасдан, замонавий илмий адабиётларда бу борада асосан кузатишлар сони кўп бўлмаган жуда кам маълумотлар нашр этилган ва ташхислаш ҳамда хирургик даволаш тактикаси бўйича асосланган ягона фикр ҳамон мавжуд эмас.<sup>3</sup> Тиббиётда техник жиҳозланиш тараққиёти билан параллел равишда МС ташхиси ҳам ўсмоқда. Агар ушбу синдром тасвирланган дастлабки даврларида фақат интраоперацион холангиография турган бўлса, ҳозирги вақтда барча замонавий технологиялар хирургия учун ёрдамга шай. Шунга қарамай ҳатто бугунги кунда ҳам кўпинча МС фақат операция вақтида ташхисланади ва бу холедох жароҳати хавфи ва конверсияси фоизини оширади. Шу сабабли, МС да дифференциал операциядан олдинги диагностика ва даволаш, хирургик амалиёт муддати, ҳажми ва турини аниқлаш протоколларини ишлаб чиқиш масалалари долзарб муаммолар қаторида турибди.

СМ диагностикаси, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш борасида дунёда бир қатор, шу жумладан, ўт йўллари шикастланишининг мураккаблигидан қатъий назар бажарилган амалиётлардан кейин минимал салбий оқибатлар билан хирургик тактикага дифференциал ёндашувлар янги протоколларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказилмоқда. Кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш мақсадида ҳозирги вақтда ишончлилиги анъанавий текширувлардан баланд бўлган замонавий юқори маълумотли скрининг текширув усулларини татбиқ қилган ҳолда эрта диагностиканинг махсус алгоритмларини ишлаб чиқиш каби йўналишлар фаол ривожланиб бормоқда. Одатда оператив коррекциянинг асоссиз тактикасини танлашга сабаб бўлиши мумкин бўлувчи ўт йўллари обструкциясининг шакли ва мураккаблигини ҳато интерпретацияси сабабларини ретроспектив таҳлил қилишнинг аҳамияти шубҳасиздир. Диагностиканинг мураккаблиги ҳамда замонавий усулларни татбиқ этиш зарурати, хирургик даволашнинг қўлланаётган ва таклиф этилаётган усулларининг анча кенг кўлами, кузатувлар сонининг камлиги, ягона

<sup>1</sup>World Health Organization. Injuries: fact sheet no. 7. World Health Organization website, 2015. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs11/en>, accessed March 12.

<sup>2</sup>Marinov L. The Mirizzi Syndrome – Major Cause for Biliary Duct Injury during Laparoscopic Cholecystectomy // Biomed J Sci & Tech Res., 2017. - Vol.1. - P. 2214–2215.

<sup>3</sup>Paya-Llorente C., Vazquez-Tarragon A., Alberola-Soler A. et al. Mirizzi syndrome: a new insight provided by a novel classification // Ann Hepatobiliary Pancreat Surg, 2017. - Vol.21. - P. 67–75.

тавсияларнинг йўқлиги ушбу муаммони ўрганиш долзарблигини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда юртимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бу муаммонинг ечими «аҳоли ўртасида касалланиш даражаси ва ўлим кўрсаткичини камайтириш»га қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ<sup>4</sup>. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ташхислашнинг илмий асосланган тизими ҳамда оптимал хирургик тактикани танлаш орқали МС бўлган беморларнинг даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сонли «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** МС ни аниқлашда мавжуд бўлган диагностика усуллари самарадорлиги борасида сезиларли келишмовчиликлар мавжуд, лекин барча муаллифлар «МС операциядан олдин ва ҳатто операция вақтида диагностикаси мураккаблиги тўғрисида фикрлари бир хил» (Arreaza JA<sup>5</sup>, Falk V<sup>6</sup>). Lee KF<sup>7</sup> тадқиқотларига кўра, «замонавий текширувларнинг барча комплексини қўллаган ҳолда МС операциягача бор-йўғи 12,5-22% ҳоллардагина тўғри аниқланади». Умуман олганда, диагностика усуллари турлиликка қарамай, кўпинча операциягача МС диагнозини аниқлаш мумкин эмас. Бундай ҳолат операция вақтида хирургларни чалғитиши ва холедохни ўт қоқи ёки ўт қоқи йўли

<sup>4</sup> ЎзР Президентининг 07.02.2017 й.даги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

<sup>5</sup> Arreaza JA, Tsamalaidze L, Stauffer JA. Laparoscopic Cholecystectomy for Mirizzi Syndrome: Is It Safe? // Am Surg. 2018 Apr 1;84(4):141-143.

<sup>6</sup> Falk V, Low G, Bigam D, Sandha G. Acute acalculous cholecystitis of an intrahepatic gallbladder causing Mirizzi's syndrome. // BMJ Case Rep. 2018 Apr 13;2018. pii: bcr-2018-224365.

<sup>7</sup> Lee KF. Mirizzi syndrome: a new approach to an old problem. // Hepatobiliary Surg Nutr. 2018 Feb;7(1):56-57.

сифатида баҳоланиб, шикастлаш хавфини туғдириши мумкин. Pak S<sup>8</sup> фикрига кўра, «узок муддатдаги натижалар ҳам қониқарсиз бўлиб қолмоқда: беморларнинг 12-20% гепатикохоледохнинг проксимал қисми чандиқли торайишлари сабабли қайта операцияга мухтож бўлиб, бу эса тарқалган хирургик тактиканинг етарлича самарадор ва ишончли эмаслигидан далолат беради».

МС да даволаш-диагностика тактикасини танлашга бағишланган адабиётлардаги маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг ривожланиш механизмларини англаш, текширув усуллари ва хирургик технологиялардаги ютуқларга қарамай, МС ҳануз замонавий гепатологиянинг мураккаб муаммосилигича қолмоқда. «Бу патологиянинг кам учраши ва айрим муаллифларда кузатувлар сонининг камлиги сабабли синдромнинг типига боғлиқ равишда даволаш тактикаси ва оператив амалиёт турига кўрсатмаларда аниқ стандартлар ҳозиргача мавжуд эмас» (Valderrama-Treviño AI<sup>9</sup>). Shirah BH<sup>10</sup> МС да лапароскопик техникани қўллаш бўйича адабиётлар шарҳида «киришнинг 40% конверсиялари, 20% асоратлар ва 6% қайта операциялар» тўғрисида маълумот берган. Лекин, Hiraki M<sup>11</sup> раҳбарлигидаги Saga University Faculty of Medicine (Япония) клиникаси мутахассислари «маълум шароитларга риоя қилинганда, лапароскопик техникани қўллаш мумкинлигини айтишган». Операциягача текширувларни оптималлаштириш, хирургик тактика ва оператив амалиётларнинг янги усуллари ишлаб чиқиш истиқболда бу тоифадаги беморларни хирургик даволаш натижаларини сезиларли яхшилаш имконини беради.

Адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, МС билан беморларни хирургик даволаш натижалари анчагина яхшиланган, бунда МС билан беморларни комплекс эрта ташхислаш ва даволашнинг хирургик тактикасини асослашга тактик ёндашувларнинг замонавий доктринасини ишлаб чиқиш ҳамда натижаларни баҳолаш, операциядан кейинги асоратларни таҳлил қилиш ва хирургиянинг ушбу йўналишини ривожланиш истиқболларини аниқлаш асосий долзарб ва ҳал қилувчи муаммолигича қолмоқда. Бу эса даволаш-диагностика тактикасини янада такомиллаштиришни талаб қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг АДСС–15.3.1 «Жигардан ташқари ўт йўллари ятроген шикастланишларини ташхислаш ва хирургик

<sup>8</sup> Pak S, Valencia D, Sheehy B, Agbim U, Askaroglu Y, Dee C. Ticking Bomb: Asymptomatic Mirizzi Syndrome. // Cureus. 2017 Nov 16;9(11):e1854. doi: 10.7759/cureus.1854.

<sup>9</sup> Valderrama-Treviño AI, Granados-Romero JJ, Espejel-Deloiza M, Estrada-Mata AG, Ceballos-Villalva JC, Acuña Campos J, Argüero-Sánchez R. Updates in Mirizzi syndrome. // Hepatobiliary Surg Nutr. 2017 Jun;6(3):170-178.

<sup>10</sup> Shirah BH, Shirah HA, Albeladi KB. Mirizzi syndrome: necessity for safe approach in dealing with diagnostic and treatment challenges. // Ann Hepatobiliary Pancreat Surg. 2017 Aug;21(3):122-130.

<sup>11</sup> Hiraki M, Ueda J, Kono H, Egawa N, Saeki K, Tsuru Y, Ide T, Noshiro H. A case of Mirizzi syndrome that was successfully treated by laparoscopic choledochoplasty using a gallbladder patch. // J Surg Case Rep. 2017 Nov 7;2017(11):rjx212.

даволашнинг такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси (2015–2017) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** МС бўлган беморларни ташхислаш ва хирургик оптимал тактикани танлашнинг илмий асосланган тизимини яратиш орқали даволаш натижаларини яхшилаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ЎТ-тош касаллигининг турли кўринишлари бўлган беморларда МС учраш тезлигини ўрганиш;

МС ни операция олди ва интраоперацион ташхислашда визуализациялашнинг инструментал усуллари имкониятларини баҳолаш;

хирургик тури ва хажми, операциядан кейинги специфик ва носпецифик асоратлар ҳамда МС ни даволаш натижаларига таъсир кўрсатувчи клиник-ташхислаш ва тактик-техник омилларни аниқлаш;

МС бўлган беморларни даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1994-2016 йилларда академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази портал гипертензия ва панкреатодуоденал соҳа хирургияси ҳамда жигар ва ўт йўллари хирургияси бўлимларида операция қилинган 122 нафар бемор олинди. МС бўлган беморларни хирургик даволаш ва ташхислашнинг мультифактор таҳлили текширишнинг асосий объекти бўлиб ҳисобланди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб МСни коррекциялашда кам инвазив ҳамда анъанавий замонавий юқори технологияли хирургик усулларни қўллаш орқали текширишнинг ташхислаш усуллари самарадорлиги таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумий клиник, инструментал, ультратовуш, эндоскопик, мультиспирал компьютер томография ва магнит-резонанс панкреатохолангиография, статистик текширув усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ЎТК билан касалланган барча беморлар орасида МС тарқалиши бўйича статистик кўрсаткичларнинг хирургик аралашув тури ва вақтига боғлиқлиги (режали ва шошинч, очик ва лапароскопик) аниқланди;

хирургик аралашув хусусиятлари, операциядан кейинги специфик ва носпецифик асоратлар ҳамда МСни даволаш натижаларига таъсир кўрсатувчи клиник-ташхислаш ва тактик-техник омиллар аниқланган;

МС операция олди верификация сифатини ошириш мезонларини аниқлаш орқали турли текшириш усуллариининг клиник-инструментал параллеллари ва ташхислаш самарадорлиги белгилаб берилди;

нур ташхисида юқори информатив усуллардан, босқичма-босқич хирургик тактика ва хирургик аралашувлар бажарилишида техник хусусиятлардан фойдаланишга асосланган МСда даволаш-ташхислаш тактикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли клиник-ташхислаш ва тактик-техник омиллар таъсири аниқланган



ва улар орасидан МСнинг хирургик даволаш натижаларига таъсир кўрсатувчи 4 гуруҳи (анамнестик, диагностик, тактик ва интраоперацион) ажратилган;

таклиф этилган ЎТК билан ҳамда МСга шубҳа қилинган беморларни текшириш комплекси операция олди клиник-инструментал ташхислаш самарадорлигини яхшилаш, бошқа патологиялар тарафга ёки ушбу асоратлар намоён бўлишининг бутунлай мавжуд эмаслигида хато интерпретациялар хавфини камайтириш имконини берган;

юқори информатив нур ташхисидан фойдаланиш, умумий ўт йўли эндоскопик ва эндоваскуляр декомпрессиясини киритган ҳолда босқичли хирургик тактика ҳамда шикастланиш турини ҳисобга олган ҳолда хирургик аралашув вариантини танлашга асосланиб ишлаб чиқилган МСда даволаш-ташхислаш тактикаси алгоритми даволашнинг операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатлари босқичидаги натижаларни яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони, клиник, морфологик, статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамият касб этиб, МС билан беморлар диагностикаси ва даволаш хусусиятларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшишидан иборат. Хирургик амалиёт хусусияти, махсус ва махсус бўлмаган операциядан кейинги асоратлар ва даволаш натижасига таъсир этувчи клиник-диагностик ва тактик-техник омиллар аниқланган. Турли диагностика уусалларини қўооаш самарадорлигига баҳо берилган ҳамда клиник-инструментал параллеллар ва турли текширув усулларининг диагностик самарадорлиги ўрганилиб, операциядан олдин МСни аниқлаш сифатини ошириш омиллари белгиланган. Тадқиқотнинг айрим натижалари МС диагностикаси ва даволаш бўйича магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот жараёнида олинган асосий хулоса ва таклифлардан турли даражадаги тиббий муассасаларда МС бўлган беморларни ташхислаш ва даволашда фойдаланиш мумкин. ЎТК билан ҳамда МСга шубҳа қилинган беморларни текширишнинг таклиф этилган комплекси операциядан олдин клиник-инструментал ташхислаш самарадорлигини яхшилаш, бошқа патологиялар тарафга ёки ушбу асоратлар намоён бўлишининг бутунлай мавжуд эмаслигида хато интерпретациялар хавфини камайтириш имконини беради. Юқори

информатив нур ташхисидан фойдаланиш, умумий ўт йўли эндоскопик ва эндоваскуляр декомпрессиясини киритган ҳолда босқичли хирургик тактика ҳамда шикастланиш турини ҳисобга олган ҳолда хирургик аралашув вариантини танлашга асосланиб ишлаб чиқилган МСда даволаш-ташхислаш тактикаси алгоритми даволашнинг операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатлари босқичидаги натижаларни яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** МС бўлган беморларнинг даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Мириizzi синдроми билан беморларда даволаш-диагностика тактикасини стандартлаштириш» методик қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 майдаги 8н-д/86-сон маълумотномаси). Кўрсатилган тавсиялар асосида МС бўлган беморларни даволаш операцияга қадар ушбу синдромни ташхислаш ҳамда даволаш тактикасини оптималлаштириш, операциядан кейинги асоратлар учрашини пасайтириш, ўт йўллари ятроген шикастлари хавфини камайтиришга олиб келди;

юқори информатив нур ташхисидан фойдаланиш, умумий ўт йўли эндоскопик ва эндобилиар декомпрессиясини қўллаган ҳолда босқичли хирургик тактика ҳамда шикастланиш турини ҳисобга олган ҳолда хирургик аралашув вариантини танлашга асосланган даволаш-ташхислаш тактик алгоритми тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 майдаги 8н-д/86-сон маълумотномаси). МС билан беморлар диагностикаси ва даволаш алгоритмининг татбиқ этилиши операциядан кейинги асоратлар сонини камайтириш ва шу орқали қониқарсиз натижалар сонини қисқартиришга олиб келди;

тадқиқот ишида МС бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилояти ва Қорақалқоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 майдаги 8н-д/86-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Тадқиқот жараёнида олинган натижалар МСнинг операцияга қадар верификациясини 39,1% дан 69,3% гача яхшилаш, операциядан кейинги специфик асоратлар миқдорини 39,1% дан 15,1% гача ҳамда ўлим ҳолатларини 7,2% дан 1,9% гача камайтириш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация мавзуси бўйича, 3 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та ҳалқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 4 та мақола, улардан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий

натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мириззи синдромининг даволаш-ташхислаш тактикасидаги мунозарали саволлар ҳамда муаммонинг замонавий ҳолати»**, деб номланган биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолати ҳақида маълумот берувчи тўрт қисмдан иборат адабиётлар таҳлили келтирилган: клиник-патогенетик аспектлар ва синдромнинг замонавий таснифи, диагностик хусусиятлари, МСни хирургик ва эндоскопик даволаш усуллари. Боб сўнггида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳамда МС хирургияси ривожини истикболлари ёритилган.

Диссертациянинг **«Фойдаланилган текшириш усуллари ва клиник материалнинг умумий характеристикаси»**, деб номланган иккинчи бобида текшириш усуллари ва материаллар тавсифи келтирилган. Академик В.Воҳидов номидаги «РИИАТХМ»да 1994 йилдан 2016 йилгача ўтган вақт мобайнида жигар ва ўт йўллари, портал гипертензия ва панкреатодуоденал соҳа хирургияси бўлимларида МС билан турли оператив аралашувлар амалга оширилган 122 нафар бемор кузатилди. Ташхислаш тизими, оператив даволаш усуллари ва ёндашув танланишини ҳисобга олган ҳолда барча беморлар икки гуруҳга ажратилди. Таққослаш гуруҳига 1994 йилдан 2008 йилгача операция қилинган 69 нафар бемор киритилди. Асосий гуруҳни 2009 йилдан 2016 йилгача операция қилинган 53 нафар бемор ташкил этди.

Гуруҳлар ўртасидаги асосий фарқ даволаш натижаларига таъсир кўрсатувчи барча асосий омиллар намоён бўлишини ҳисобга олган ҳолда, назорат гуруҳи таҳлил натижаларига кўра ишлаб чиқилган МС билан беморларни олиб боришнинг ташхислаш ва тактик-техник алгоритмини татбиқ этиш факти бўлди. Фарқлар ўз ичига операциягача бўлган босқичда МС верификациясининг ташхисий самарадорлиги, интраоперацион аниқланган МСда яллиғланишли-инфилтратив ўзгаришлар, шунингдек, улар операциянинг техник жиҳатлари ҳамда операциядан кейинги асоратларнинг пайдо бўлиши, операция услубига тактик ёндашувларни танлаш ҳамда операциянинг нечоғлиқ шошиличилигига таъсир кўрсатувчи жиҳатлар каби параметрларни ўз ичига қамраб олади. Ажратилган гуруҳлар жинси, ёши,

шунингдек, бошланғич (стационарга қабул қилинган вақтдаги) ҳолатига кўра таққослана олади.

Беморлар ёши 20 дан 84 ёшгача бўлган ораликни (ўртача  $50,9 \pm 0,5$  ёш) ташкил қилди. Аёл жинсидаги беморлар кўпчиликини ташкил этди – 88 нафар аёл, 34 нафари эркак жинсидаги беморларни қилди (2,6:1 муносабатда).

Стационарга қабул қилинган барча беморларда субъектив (шикоятларни аниқлаш, анамнез тўплаш) ҳамда объектив маълумотлар (физикал текшириш, лаборатор-инструментал ташхислаш) ўрганилишини қамраб олувчи стандарт клиник текширувлар ўтказилди.

Текширилган беморларда калькулез холециститнинг ўткир ва сурункали шакллари, касаллик кечишининг турли кўринишлари ҳамда касалликнинг турлича давомийлиги бор эди. Сурункали холецистит 32 нафар (26,2%), ўткир холециститнинг турли шакллари 90 нафар (73,8%) беморда кузатилди. Улар орасида ўткир катарал холецистит 6 нафар (6,7%), ўткир флегмоноз холецистит 46 нафар ҳамда гангреноз холецистит 38 нафар беморда аниқланди.


Беморларни хирургик даволаш тактикаси синдром турига боғлиқ ҳолда танланди. Беморлар Csendes A таснифига асосан тақсимланди: МСнинг I тури билан 37 нафар (30,3%), II тури билан 37 нафар (30,3%), III тури билан 42 нафар (34,4%) ва IV тури билан 6 нафар (4,9%) бемор.

МС бўлган беморларда кўп ҳолатда анъанавий аралашувлар олиб борилган ва улар асосий гуруҳда 79,2% (42 нафар бемор), таққослаш гуруҳида 79,7% (55 нафар бемор)ни ташкил этган, шунингдек, 2 нафар (3,8%) ва 11 нафар (15,9%) ҳолатда мос равишда операция лапароскопия билан бошланган, аммо турли сабабларга кўра конверсия бажарилган. I турда операция характери асосий кўпчилик ҳолатда холецистэктомия ва заруратга кўра холедохни Пиковский ёки Кер бўйича дренажлашни қамраб олади. II турда ҳам, асосан, холецистэктомия ва ўт йўллари дренажлаш бажарилди. III ва IV турларда холедохнинг шикастланиши ҳамда шаклланган тешикни ҳисобга олган ҳолда, асосан, ўт йўлини пластикаси билан каркасли дренажлаш бажарилди. Лапароскопик холецистэктомия (ЛапХЭК) 5 нафар (9,4%) ва 2 нафар (2,9%) беморда, ЛапХЭК ва холедохни дренажлаш 4 нафар (7,5%) ва 1 нафар (1,4%) ҳолатда бажарилди.

Диссертациянинг **«Мириizzi синдроми кечишининг клиник-анамнестик хусусиятлари ҳамда хирургик даволаш натижаларига таъсир кўрсатувчи тактик-диагностик жиҳатларнинг факторли таҳлили»**, деб номланган учинчи бобида МСнинг хирургик даволаш натижаларига у ёки бу даражада таъсир кўрсатувчи турли факторлар таҳлили олиб борилган.

Дастлаб асосий статистик факторлар кўриб чиқилди. ЎТК бўлган барча беморлар таркибида МС тарқалишининг умумий частотаси 0,82% ни ташкил этди. Кечиш хусусиятларининг ўзига хослиги ҳамда мос равишда клиник намоён бўлиш оғирлиги етарли даражада бўлган бу камёб асорат анъанавий операцияларда бирмунча кўп учрайди – 2,60% (1994 йилдан 2016 йилгача

операция қилинган 3724 нафар бемордан 97 нафарида), ЛапХЭЖ операцияси бажарилган беморларда эса МСнинг тарқалганлиги бор-йўғи 0,23% ни ташкил этган (11095 нафар бемордан 25 нафарида). Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра бундай хавф билан тўқнашиш ургент хирургияда кўпроқ – 2,64% (983 нафардан 23 нафарида), режали операцияларда бу кўрсаткич 0,69% ни ташкил этди (13837 нафардан 96 нафарида) (1-расм).




**1-расм. Аралашувлар турига кўра МСнинг умумий частотаси**

Анамнестик факторлар орасида ЎТК бўйича бемор ёши ва анамнезнинг давомийлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бунда ЎТК бўлган беморларнинг ўртача ёши МСда булардан ишончли фарқ қилади ( $50,9 \pm 0,5$  ёш қарши  $57,5 \pm 1,1$  ёшга;  $p < 0,001$ ) ва бу кекса (60 ёшдан юқори) беморларнинг юқори улуши ( $45,1\%$  қарши  $28,9\%$  га;  $p < 0,001$ ) ҳамда 3 йилдан ортиқ касаллик анамнези бўлган беморлар ( $51,6\%$  қарши  $38,3\%$  га;  $p < 0,001$ ) билан боғлиқ.

Ташхислаш мураккаблиklarини намоён қилиш ва мос равишда МСнинг операцияга қадар верификациясини яхшилаш йўналишларни аниқлаш учун назорат гуруҳидаги 69 нафар беморнинг текшириш ва даволаш натижалари таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларига кўра турли текшириш услубларининг клиник-инструментал ташхисий самарадорлиги  $39,1\%$  ни ташкил этувчи (69 нафар бемордан 27 нафарида) МС верификациясининг паст дифференциаль лаёқати билан характерланади ва ўз навбатида унинг ривожланишига шубҳа  $37,7\%$  (26 нафар) беморда аниқланди, шунингдек,  $23,2\%$  (16 нафар) ҳолатда бошқа патология тарафга хато интерпретация маълумотлари ёки ЎТКда ушбу асоратнинг бутунлай мавжуд эмаслиги қайд этилди (2-расм).



**2-расм. МСда турли текшириш усулларининг ташхислаш самарадорлиги (таққослаш гуруҳидаги 69 беморни текшириш ва даволаш натижаларини таҳлиliga кўра)**

Тактик-техник хусусиятлар орасида операциянинг шошиличилиги, жигар-ўн икки бармоқ ичак боғлами соҳасида ўзгаришларнинг мавжудлиги, операция жараёнида ўт йўллари шикастланиши эҳтимоли, резидуал холедохолитиаз эҳтимоли ҳамда мос равишда операция усулини танлаш каби факторларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур.

МСда жигар-ўн икки бармоқ ичак боғлами ҳамда ўт пуфаги соҳасида патологик ўзгаришларнинг ривожланиши оператив аралашувларнинг техник жиҳатларини мураккаблаштиради. Таҳлил натижаларига кўра МСда буришган ўт пуфаги 47,8% (69 нафар бемордан 33 нафарида), пуфак бўйни ёки пуфак йўлида қайд этилган конкремент ва пуфак-холедохеал оқма 68,1% (47 нафар), жигар-ўн икки бармоқ ичак боғлами соҳасида зич инфилтрат 56,5% (39 нафар) ҳолатда учраши аниқланди.


МСда оператив аралашувлар техник жиҳатларини мураккаблаштирувчи жиҳатлар орасида ўт пуфаги ва жигар-ўн икки бармоқ ичак боғлами соҳасидаги патологик ўзгаришлар характери ҳамда жигардан ташқаридаги ўт йўллари шикастланиши эҳтимоли билан йиғиндиси принципиал аҳамият касб этади. МСда турли яллиғланиш-деструктив факторлар бирикуви жараёнида умумий жигар ўт йўли ёки холедох интраоперацион шикастланиши хавфи (буришган ўт пуфаги, пуфак бўйнида ёки пуфак йўлида қайд этилган конкремент, пуфак-холедохеал тешиқ, жигар-ўн икки бармоқ ичак боғлами соҳасида зич инфилтрат) 15,4–20% га етиши мумкинлиги аниқланди. Бунда тўрт карра устунлик билан хавф даражасининг катта қисми МСда операциянинг лапароскопик турига боғлиқ. МСга хато эҳтимол қилинган ва шикастланиш сабаби бўлиб қолган ўт йўллари анатомик хусусиятлари ҳам 4,3% ҳолатда учради (МС билан 69 нафар беморда 8 та шикастланишдан 3 таси).

Холедоҳда қолдирилган конкрементнинг операцияга қадар ҳам, интраоперацион ҳам аниқланмаганлиги навбатдаги мураккаблаштирувчи фактор ҳисобланади. МСда интраоперацион холангиоскопия ёки холангиография бўлмаганда резидуаль холедохолитиаз хавфи 7,2% га етиши мумкин ва бунда 3 та лапароскопик операцияда ушбу асорат 1 нафар (33,3%), анъанавий аралашувларда 6,1% (66 нафар бемордан 4 нафарида) беморда қайд этилди.

Хирургик аралашувлар бажарилишининг тактик-техник хусусиятлари билан биргаликда МСнинг кечиш оғирлиги шошилич аралашувларда операциядан кейинги асоратлар учраши камайишини таъминлайди. Шунингдек, шошилич операцияларда холедоҳда чокларнинг етимовчилиги 23,8% (21 нафар бемордан 5 нафарида) ва режали аралашувларда 12,5% (48 нафар бемордан 6 нафарида)ни ташкил этди. Жигар етишмовчилигининг тараққий этиши мос ҳолда 14,3% (3 нафар) ва 6,3% (3 нафар) беморда аниқланди. Шошилич аралашувларда тўхтатиш билан релaparотомия бажарилиши талаб этилган жигар-ўн икки бармоқ ичак боғлами соҳасидан қон кетиши 2 нафар (9,5%) ҳолатда ривожланди. Носпецифик аъзолар асорати (инфаркт, инсулт, ЎЮҚТЕ, плевро-пульмонал асоратлар, полиорган

етишмовчилиги) 42,9% (9 нафар) ва 18,8% (9 нафар) беморда қайд этилди.

Умуман, шошилинич аралашувларда оператив даволаш тезкорлигига кўра биргаликдаги специфик ва носпецифик асоратлар билан 15 нафар (71,4%) бемор бўлди. Режали операцияларда ушбу кўрсаткич 31,3% (15 нафар)ни ташкил этди. Ўлим ҳолати мос равишда ( $\chi^2=17,748$ ;  $Df=5$ ;  $p<0,001$ ) 3 нафар (14,3%) ва 2 нафар (4,2%) ҳолатда қайд этилди. Беморларнинг барча гуруҳлари бўйича умумий ўлим кўрсаткичи 7,2% (5 нафар)ни ташкил этди (3-расм).



### 3-расм. Аралашувларнинг шошилиничлигига боғлиқ ҳолда хирургик даволашнинг жамланма натижалари

Шундай қилиб, МСнинг хирургик даволаш натижаларига таъсир кўрсатувчи турли клиник-диагностик ва тактик-техник факторларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин: анамнестик, диагностик ҳамда тактик ва интраоперацион.

МСни даволаш ва ташхислаш верификациясини оптималлаштириш мақсадида мос равишда тактик-диагностик алгоритмни такомиллаштириш учун кўрсатилган барча факторлар ҳисоби талаб этилади.

Диссертациянинг «**Мириззи синдроми бўлган беморларни даволаш-ташхислаш тактикасини стандартлаштириш**», деб номланган тўртинчи бобида ушбу синдром билан касалланган беморларни даволаш усулларини стандартлаштириш йўллари ёритилган.

Шошилинич ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш шароитида МСда даволаш-ташхислаш тактикасининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

анамнестик маълумотларни тўплаш ва МС ривожланиш хавф факторларини аниқлаш;

асорат характерини аниқлаш билан юқори технологияли нур ташхисдан фойдаланиш;

МС верификациясида барча диагностик комплекс бирикмасидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

синдромнинг клиник кечиш оғирлик даражасини баҳолаш, асосий касаллик ва ёндош патологиялар оғирлашган кечишини аниқлаш.

МС верификациясида ультратовуш тектируви (УТТ)нинг паст диагностик самарадорлиги энг кўп аниқланмаган ташхислар фоизи билан МС I тур гуруҳи беморларида қайд этилди (асосий гуруҳда 57,1% ва назорат гуруҳида 78,3%). Лекин шунга қарамасдан асосий гуруҳда ташхисни турларга ажратиш фоизи салкам 2 баравар кўтарилди. Тўғри қўйилган ташхисларнинг энг кўп фоизи МС II–IV тур беморларида қайд этилди (мос равишда 23,1% қарши 15,2% га). Шунингдек, асосий гуруҳ беморларининг МС II–IV турида верифицирланмаган ташхислар фоизи аҳамиятли камайди (мос равишда 30,8% қарши 54,3% га) (1-жадвал).

**1-жадвал**

**МС верификациясида УТТнинг диагностик самарадорлиги**

МС тури	Микдори	МСга шубҳа		Аниқланган		Ташхисланмаган	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
<b>Асосий гуруҳ</b>							
МС I тур	14	5	35,7%	1	7,1%	8	57,1%
МС II–IV тур	39	18	46,2%	9	23,1%	12	30,8%
Жами	53	23	43,4%	10	18,9%	20	37,7%
<b>Таққослаш гуруҳи</b>							
МС I тур	23	4	17,4%	1	4,3%	18	78,3%
МС II–IV тур	46	14	30,4%	7	15,2%	25	54,3%
Жами	69	18	26,1%	8	11,6%	43	62,3%

УТТ асосий белгилари мажмуига асосан ташхисни верификация қилиш ушбу усулнинг ташхислаш самарадорлигини барча турлар учун 18,9%, II–IV тури учун алоҳида 23,1% гача ошириш имконини беради.

Шуни қайд этиш лозимки, МСнинг тўрт турини бир гуруҳга бирлаштириш, назаримизда, рационал ҳисобланади ва текширишнинг ушбу усули ташхислаш самарадорлигини фақат оширади.

МС верификациясида магнит-резонанс томография (МРТ) ёки мультиспирал компьютер томография (МСКТ)дан фойдаланиш УТТга қиёсланганда ташхислаш самарадорлигини 2 баравар ошириш имконини беради. Бироқ МС I тур беморлари учун ушбу кўрсаткич нисбатан паст бўлиб қолаверади ва ҳаммаси бўлиб 33,3% ни ташкил этади. Ташхислашнинг ушбу усули 75% ҳолатда аниқ ташхис қўйилиши билан МС II–IV тури учун энг самарали ҳисобланади. 2-жадвалда тадқиқотда текширилган беморларнинг МРТ ва МСКТ самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

МС I турида Эндоскопик ретроград панкреатохолангиография (ЭРПХГ) самарадорлиги 66,7% ни ташкил этади, II–IV турида эса 75,8% гача кўтарилади ва бу ушбу усулнинг техник таркибини яхшилаш билан эмас, балки ташхислашнинг нур усули самарадорлиги ошиши билан юқори даражада боғлиқ.




## МС верификациясида МРТ ва МСКТнинг ташхисий самарадорлиги

МС тури	Миқдори	МСга шубҳа		Аниқланган		Ташхисланмаган	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
<b>Асосий гуруҳ</b>							
МС I тур	6	2	33,3%	2	33,3%	2	33,3%
МС II–IV тур	40	5	12,5%	30	75,0%	5	12,5%
Жами	46	7	15,2%	32	69,6%	7	15,2%
<b>Таққослаш гуруҳи</b>							
МС I тур	3	1	33,3%	1	33,3%	1	33,3%
МС II–IV тур	5	1	20,0%	3	60,0%	1	20,0%
Жами	8	2	25,0%	4	50,0%	2	25,0%

МС I туридаги асосий гуруҳда топик ташхислаш даражасининг аҳамиятли ошиши қайд этилди (42,9% гача), ушбу кўрсаткич МС II–IV тур асосий гуруҳ беморлари учун таққослаш гуруҳи билан солиштирилганда 19,2% га ўсди. Шу билан бирга ташхислаш мониторинги барча комплексдан босқичли фойдаланиш МС II–IV тури беморларига 97–99% гача тўғри ташхис қўйиш самарадорлигини ошириши мумкин.

МСни хирургик даволаш қиёсий натижаларининг умумий структурасини акс эттирувчи диаграммадан (4-расм) кўриниб турганидек таққосланаётган гуруҳларда ҳамма кўрсаткичлардаги яққол фарқлар аниқланди. асосий гуруҳда асоратланмаган операциядан кейинги давр 83,0% беморларда қайд этилди, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 56,5% ни ташкил қилди. Ўлим кўрсаткичида ҳам шундай фарқдаги натижалар қайд этилди (1,9% асосий гуруҳда ва 7,2% таққослаш гуруҳида). Специфик асоратлар асосий гуруҳда 15,1%ни, таққослаш гуруҳида 39,1%ни ташкил қилди.




## 4-расм. МС хирургик даволаш натижалари

Биринчи босқичда билиар тракт каминвазив декомпрессияси вариантларидан бири бажарилганда босқичли хирургик тактикадан фойдаланиш режали хирургик аралашувлар миқдорининг ошиши (90,6% қарши 69,6% га), конверсиялар энг кам миқдорида (3,8% қарши 15,94% га) лапароскопик технологиялардан фойдаланишнинг бирмунча юқори фоизи

(16,98% қарши 4,35% га) билан характерланади ва унинг натижасида: асосий гуруҳ беморларинг 83,0% ида операциядан кейинги асоратларсиз давр қайд этилган бир пайтда, таққолаш гуруҳи беморлари учун ушбу кўрсаткич 56,5% ни ташкил этди. Худди шундай фарқ ўлим ҳолати (асосий гуруҳдаги 1,9% таққолаш гуруҳидаги 7,2% га қарши) ва специфик асоратларда (асосий гуруҳдаги 15,1% таққолаш гуруҳидаги 39,1% га қарши) ҳам кузатилди.

Юқори информатив нур ташхиси, умумий ўт йўли эндоскопик ва эндоваскуляр декомпрессиясидан фойдаланган ҳолда босқичли хирургик тактика ҳамда шикастланиш турини ҳисобга олган ҳолда хирургик аралашувлар вариантини танлашга асосланиб ишлаб чиқилган МСда даволаш-ташхислаш алгоритми операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатлардаги натижаларини яхшилаш имконини беради (5-расм).



**5-расм. МСда даволаш-тактик алгоритми**

Эслатма: \* – холедохда ЭПСТ ва эндоскопик дренирлашни бажариш имкони бўлмаганда (БДСнинг БДСда тош қисилиб қолиши билан боғлиқ бўлмаган панкреатит клиникаси билан кечувчи қийин анатомик вариантларида, Б–2 бўйича ошқозон операцияларидан кейин, холедохни дренажлаш билан ЧЧХГ таклиф этилган.

\*\* – Кер бўйича холедохни дренирлаш имкони бўлмаганда ингичка ичакни Ру бўйича ГЭАни бажариш ОЖПнинг очиқ билиар декомпрессияларидан бири ҳисобланади, шунингдек, олдин ошқозонида операция ўтказган беморларда стенозловчи папиллитга шубҳа мавжуд бўлганда Бильротнинг иккинчи усули бўйича қилинади.

## ХУЛОСА

1. ЎТК таркибида МС ривожланиш хавфи 0,82% ни ташкил этади. ЎТК бўлган беморларнинг ўртача ёши МСдан ишончли фарқ қилади ( $50,9 \pm 0,5$  ёш қарши  $57,5 \pm 1,1$  ёшга;  $p < 0,001$ ) ва бу кекса (60 ёшдан юқори) беморлар (45,1% қарши 28,9% га;  $p < 0,001$ ) ҳамда 3 йилдан ортиқ касаллик анамнези бўлган беморларнинг (51,6% қарши 38,3% га;  $p < 0,001$ ) юқори улуши билан боғлиқ.

2. Тадқиқот натижаларига кўра таққослаш гуруҳида МС верификациясида турли текшириш усулларининг клиник-инструментал ташхисий самарадорлиги пастлиги билан характерланиб, 39,1% ни ташкил этди. Ўз навбатида унинг ривожланишига шубҳа 37,7% беморда аниқланди, шунингдек, 23,2% ҳолатда бошқа патология тарафга хато интерпретация маълумотлари ёки ЎТКнинг ушбу асорати бутунлай мавжуд эмаслиги қайд этилди.

3. МСда оператив аралашувларнинг техник жиҳатларини мураккаблаштирувчи сабаблар орасида жигар-ўн икки бармоқ ичак боғлами ва ўт пуфаги соҳаларидаги патологик ўзгаришлар характери принципал аҳамиятга эга ва бунда турли яллиғланиш-деструктив факторларнинг бирга келиши натижасида жигардан ташқаридаги ўт йўллари шикастланиши эҳтимоли лапароскопик хирургияда кўпроқ бўлиб, 15,4–20% га етиши мумкин.

4. МСнинг кечиш оғирлиги хирургик аралашувлар бажарилишининг тактик-техник хусусиятлари билан биргаликда шошилич аралашувлар операциядан кейинги специфик ва носпецифик асоратлар частотасининг 31,3% дан (режали операциялар) 71,4% гача ҳамда ўлим ҳолатининг 4,2% дан 14,3% гача ( $\chi^2=17,748$ ;  $Df=5$ ;  $p < 0,001$ ) ошишига олиб келиши мумкин.

5. МСни хирургик даволаш натижаларига таъсир кўрсатувчи турли клиник-диагностик ва тактик-техник омилларнинг 4 гуруҳи аниқланди: диагностик (операцияга қадар верификация, клиник-инструментал усулларнинг ташхисий самарадорлиги), тактик (операциянинг шошиличлиги, икки босқичли тактика) ва интраоперацион (жигар ва ўн икки бармоқ ичак боғлами соҳасида ўзгаришларнинг мавжудлиги, резидуал холедохолитиазнинг мавжудлиги ҳамда ўт йўлларида шикастланиш эҳтимоли).

6. Биринчи босқичда билиар трактнинг каминвазив декомпрессия усуллари вариантларидан бири бажариладиган босқичли хирургик тактиканинг қўлланилиши режали хирургик аралашувлар миқдорининг кўпайиши (90,6%га қарши 69,6%), конверсиялар минимал миқдорда бўлиши (3,8% га қарши 15,94%), лапароскопик технологияларнинг бирмунча юқори фоизда қўлланилиши (16,98%га қарши 4,35%) билан характерланди.

7. Ишлаб чиқилган комплекс даволаш-ташхислаш чораларининг қўлланилиши МСнинг операциягача бўлган верификациясини 39,1% дан 69,3% га яхшилаш, операциядан кейинги специфик асоратлар учрашини 39,1% дан 15,1% гача ҳамда ўлим ҳолатини 7,2% дан 1,9% гача ишончли ( $p < 0,001$ ) камайтириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА и ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ  
АКАДЕМИИ по ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

**НИШАНОВ МАКСУДЖОН ШЕРМАТОВИЧ**

**ОСОБЕННОСТИ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОЙ ТАКТИКИ  
ПРИ СИНДРОМЕ МИРИЗЗИ**

**14.00.27 - Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.3.PhD/Tib318.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Назиров Феруз Гафурович</b> доктор медицинских наук, профессор, академик
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Акилов Хабибулла Атауллаевич</b> доктор медицинских наук, профессор  <b>Хакимов Мурод Шавкатович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Федеральное Государственное Бюджетное Учреждение «Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневкого» (Российская Федерация)</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №\_\_\_\_). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Х.К. Абралов**  
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

**А.Х. Бабаджанов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

**А.В. Девятов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения «синдром Мириззи (СМ) довольно редкая патология, встречаемость которой среди больных с желчнокаменной болезнью (ЖКБ) составляет от 0,5% до 5,7%»<sup>12</sup>. Число наблюдений СМ за последние годы увеличивается, что связано с ростом заболеваемости ЖКБ, появлением высокоинформативных методов обследования, прогрессом хирургии желчных путей<sup>13</sup>. Несмотря на актуальность проблемы, в современной научной литературе имеется ограниченное количество публикаций, основанных, как правило, на небольшом числе наблюдений и единого мнения по поводу диагностики и тактики хирургического лечения СМ до сих пор не существует<sup>14</sup>. Диагностика этой патологии развивается параллельно прогрессу технического оснащения в медицине. Если в истоках описания синдрома стояла только интраоперационная холангиография, то в настоящее время на помощь хирургу приходят новые диагностические технологии. Несмотря на это, даже сегодня СМ нередко диагностируется только во время операции, что повышает процент конверсии доступа и риск травмы холедоха. В связи с этим выработка протоколов дифференцированной дооперационной диагностики и лечения, определения сроков, объема и вида хирургического вмешательства при СМ остаются в ряду остроактуальных проблем.

Для совершенствования диагностики, лечения и профилактики СМ в мире проводится целый ряд целенаправленных научных исследований, в том числе разработка новых протоколов дифференцированного подхода к хирургической тактике с минимальными негативными последствиями после выполненных вмешательств, вне зависимости от сложности повреждения желчных протоков. Для улучшения качества оказываемой помощи в настоящий период активно развиваются такие направления, как разработка специфических алгоритмов ранней диагностики с внедрением современных высокоинформативных скрининговых методов обследования, достоверность которых значительно выше традиционных. Несомненна роль ретроспективного анализа причин ошибочной интерпретации формы и сложности обструкции желчных протоков, что, как правило, может привести к выбору необоснованной тактики оперативной коррекции. Трудности диагностики, а также необходимость внедрения современных методов, достаточно широкий спектр используемых и предлагаемых методов хирургического лечения, немногочисленные наблюдения, отсутствие единых рекомендаций обуславливают актуальность изучения данной проблемы.

---

<sup>12</sup> World Health Organization. Injuries: fact sheet no. 7. World Health Organization website. 2015. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs11/en>, accessed March 12.

